Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 34 (7. 123) 1990 йил 10 февраль, шанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитетида учрашув

8 февраль куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ишида қатнашган шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан учрашув бўлди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Бўлиб ўтган Пленумнинг якунлари, унда маъқулланган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига дастури лойиҳаси, ҳисобот-сайлов кампанияси ҳамда съездга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида қизғин фикрлашув бўлиб ўтди. КПСС, аввало, унинг бошланғич ташкилотларининг фаол иштирокисиз қайта қуриш муваффақиятини тасаввур этиб бўлмаслиги таъкидланди. Партиянинг раҳбар органлари билан, унинг қуйи бўғинлари, кенг коммунистлар оммаси ўртасида юз берган узилишни бартараф этиш учун ҳамма ишни қилиш зарур.

Учрашувда Н. Н. Слюньков, Г. П. Разумовский, Ю. А. Манаенков қатнашдилар.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот «Правда» газетасида босилади.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитети Пленумида 1990 йил 7 февралда сўзлаган якунловчи нутқи

Узундан-узоқ мунозараларга берилмаслик учун бир неча оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман, чунки ана шу уч кун ичида партия Марказий Комитети Пленумларининг мажлислар залида бўлиб ўтган мазкур катта мусоҳабани тугаллаш керак.

Менинг назаримда, масалаларнинг бутун мажмуи бўйича Пленумдаги мунозара биз муҳокама қилган ҳужжатлар ва муаммолар кўламига ҳамда янгилигига монанд бўлди. Бу галги Пленумни қуйидагича характерлаш мумкин: у мамлакатдаги вазият муносабати билан, қайта қуриш жараёнлари ҳай тариқа бораётганлиги муносабати билан Марказий Комитетнинг, умуман партиянинг ғоят катта ғамхўрлик кўрсатаётганини ва ғоят катта ташвишга тушаётганини ифодалади. Пленум қайта қуришнинг барча жараёнларини шафқатсиз, танқидий руҳда таҳлил қилди ва шу асосда нима иш қилиш ва қандай қилиш кераклигини олдиндан белгилаб берди. Бу нарса биз КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурига асос қилиб олган сиёсий йўл-йўриқларда ўз аксини топди. XIX партия конференциясининг резолюциялари устида иш олиб борилганидан кейин бутун Марказий Комитет ҳужжат устида тер тўкиб ишлаган навбатдаги ҳолга Пленумда дуч келдик, дейиш мумкин. Бундан ғоят муҳим хулоса чиқармоқчиман: бу ерда намоён бўлган бутун фаоллик, жидийлик, кайфиятлар — буларнинг ҳаммаси партия ҳақида, қайта қуриш тақдири ҳақида, жамиятга қайта қуришнинг мана шу ниҳоятда масъулиятли босқичида ҳукмрон партия томонидан тўғри сиёсий йўл-йўриқ берилиши тўғрисида кўрсатилган ғамхўрликнинг муайян шаклдаги ифодасидир.

Ўртоқлар, менинг фикримча, бу ерда баён қилинган фикрлар ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, ҳатто бир-бирига зид позициялар баён қилинганига қарамай (ортиқча қизишишлар ҳам бўлди, лекин буларнинг ҳаммаси кечирилади!), барча ўртоқлар орқага эмас, балки олга даъват этувчи тараққийпарварлик руҳидаги ҳужжат кераклиги хусусида якдил бўлишди. Менимча, бу ҳукмрон фикрдир.

Менинг назаримда, ишнинг баъзи соҳаларида ҳали янги механизмлар ишга тушмаган пайтда эски механизмларнинг ҳам айрим жиҳатларидан фойдаланиш эҳтиёжи туғилади. Жамиятни аниқ мўлжалсиз, ғоят катта мамлакатимизда қайта қуриш жараёнини олга силжитишга қодир бўлган воситаларсиз ташлаб қўйиб бўлмайди-ку, ахир. Лекин ҳамма фикрлардан устун фикр — бу нарса КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди — шундан иборатки, етилган муаммоларни жамиятни қайта қуриш, янгилаш ҳамда КПССни янгилаш йўлида ҳал этиш керак. Энг муҳими — ана шу.

Яна бир фикр, айтиш мумкинки, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозир биз қатъият билан ҳаракат қилиш кераклигини ақлимиз билангина эмас, бутун вужудимиз билан ҳам ҳис қилиб турибмиз. Марказий Комитет, ҳукумат, Олий Совет ҳаракатда бўлиши керак. Мен бу гапни уларга топшириқ беряпмиз деган маънода айтаётганим йўқ. Йўқ, биз ўз позициямизни баён қиляпмиз. Энг муҳими эса, ана шу барча органлар таркибидаги коммунистлар мана шу фикрга асосланиб, иш олиб боришлари керак. Энди биз вақтни бекорга ўтказишга ҳаққимиз йўқ. Партия Марказий Комитети шаънига қуйидаги гаплар ҳақли равишда айтилди: ҳозир кечикишга йўл қўйиб бўлмайди, соғлом тенденцияларни қўллаб-қувватлаш, уларни мустаҳкамлаш ва бузғунчилик тенденцияларини бартараф этишга ёки сустлаштиришга уриниб кўриш учун жўшқин, хилма-хил, мураккаб жараёнларга бошчилик қилиш керак.

Ҳукуматдаги коммунистлар ҳаракатда бўлишлари лозим. Менимча, ўртоқлар, ҳукуматда ишлаётган партия аъзоларига ушбу Пленумда ҳаракат дастури муҳокама қилинаётганида биз уларнинг нуқтаи назарларини эшитмадик, деб эслатиб ўтганликлари тўғри бўлди. Бунда халқ депутатларининг иккинчи Съездида бу хусусда гап бўлиб ўтган эди-ку, деган важ айтилди. Буни важ деб бўлмайди. Бу ерда ҳам гап бўлиши керак эди. Ваҳоланки, ҳозир ҳукумат амалий ишлар билан астойдил шуғулланаётир ва у айтса арзийдиган гаплар бор эди. Ана шу тадбирларни текширш ҳам, уларни қўллаб-қувватлашга, мустаҳкамлашга бутун партия эътиборини қаратиш ҳам Марказий Комитет аъзолари учун муҳим эди. Аввало, Съезд маъқуллаган программани қўллаб-қувватлаётганлигимизни айтиш керак эди. Мен ўйлайманки, бутун конкрет аҳволни равшан ва тўла тасаввур қилиш учун ҳукумат Марказий Комитет аъзоларини, партия комитетларининг секретарларини хабардор қилишнинг бирор йўлини топади.

Олий Советда ҳам иш олиб бориш керак, ундан ҳамма қайта қуришнинг муҳим масалалари, мамлакатдаги вазиятни яхшилаш юзасидан муҳим қарорлар қутяпти. Коммунистлар барча соҳаларда фаол ва самарали иш олиб боришлари лозим. Умуман, биз кучларни жипслаштириб, қайта гуруҳлаб, қайта қуришни ва амалий ишларни қатъият билан олга силжитишимиз лозим. Бу иккинчидан.

Биз қайта қуриш билан чуқурроқ шуғулланганимиз сайин, барча қатламларга кириб борганимиз сари қарама-қарши томонларнинг позициялари, манфаатлари аниқланиб бормоқда. Бу жараён Пленумимизда ҳам рўй берганлигини ҳис қилдик. Бу — жамиятимиз ҳаётига тааллуқли барча жиҳатларнинг инъикосидир.

Биз бу ерда фикрлашиб, оғир мунозарага якун ясаётган эканмиз, баъзан бу гаплар нафсониятимизга ҳам тегаётир. Бу залда жиддий гаплар айтилаётир. Лекин оқибат натижада энг муҳим тўхтамга, ўйлайманки, прогрессив хулосага келаётирмиз. Мана шу хулоса негизида ҳаракатларимизни жипслаштиришимиз керак.

Мунозаралар бўлди. Қарор қабул қилинди. Программа тасдиқланди. Йўл-йўриқлар бор. Ким қандай гап айтганлигини ва бу гап кимга тааллуқли эканлигини ҳисоб-китоб қилиб ўтирмасдан ишлаш керак. Бизда бундай ҳисобчилар ҳам йўқ эмас! Мунозараларнинг нормал жараёни бораётганлигига, бошқача фикр юритиш ҳам янгича тушунилган демократик централизм ҳам фикрлар хилма-хиллигининг ўзгинаси эканлигига сира кўникма олмаётирмиз. Мамлакат тақдири, унинг вазнини ҳисобга олганда эса жаҳон тақдири ҳал этилаётган пайтда қайта қуришнинг туб масалалари ҳусусида очиқ мунозара бўлди. Бунда бир-бирига ёқадиган гапларни қидириб ўтириш, нафсониятни аяш мумкинми ахир? Уларнинг ҳаммаси ортда қолиб кетди ва қайтиб келмаслиги керак. Фалон киши билан ишласа бўлади, фалон киши билан эса ишлаб бўлмайди, деб гумонсираб ўтиришнинг кераги йўқ. Биз ҳаммамиз бирга бўлишимиз, бир-биримизнинг мададимизни ҳис қилиб туришимиз ва ишлашимиз керак! Уруғ-аймоқларга ва гуруҳларга ажрала бошлашнинг кераги йўқ! Бундай қилинса, партияни ҳам, мамлакатни ҳам ҳалок қиламиз.

Бу ерда Сиёсий бюро аъзолари ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Мен шахтёрлар билан учрашганимда ҳозир Сиёсий бюронинг самарали ишлашига ҳалақит берадиган келишмовчиликлар йўқ, деганимда тўғри гапни айтганман. Фикрлар кураши бор, мунозаралар жиддийроқ бўлиб бормоқда, бу тушунарли. Мен бутун мамлакатдан келган кўмир қазувчи ишчилар билан учрашганимда, улар менга жуда кўп ахборот беришди! Тўғри, биз мажлисларга, ҳужжатлар муҳокамасига қандайдир мулоҳазалар билан келамиз, бу ерда фикрларни қиёслаш, жиддий мунозара бўлади. Ўртоқ Маликов, Сиёсий бюро ажралиб кетди, иш барбод бўлди, деган гумонлар ҳеч кимда бўлмаслиги керак, деб айтмоқчиман. Бундай ҳол бўлмаган, бундай ҳол вужудга келмаслигига ҳаракат қилиш керак. Биз ҳозир Марказий Комитетда, Сиёсий бюрода, бутун партияда ана шундай синовдан ўтаётирмиз —ҳаммамиз юксак даражада бўлишимиз керак.

Ана шу «юксаклик» ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Ўртоқ Алексеев айтган гап менга жуда ёқди. У фақат юристгина эмас, у масалага фалсафий жиҳатдан ёндашади. Инсонда ана шундай фазилатларнинг — фикрларни ифодалашнинг жиддийлиги ва айни пайтда фикр қўламининг кенглиги — мужассамлашгани ҳамиша ғоят фойдалидир. Мен бу ҳақда илгари ҳам гапирган эдим, биз унинг номзодини Конституцион назорат комитети раиси лавозимига кўрсатаётганимизда уни шундай деб таърифлаган эдим.

Сергей Сергеевичнинг фикри менга қайси жиҳатдан ёқди? Биз шундай бурилиш нуқтасида турибмиз ва шундай воқеаларга жалб қилинганимизки, нима қилаётганимизни ва бу ишларимиз қандай оқибатларга олиб боришини ҳозирча тўла-тўкис баҳолай олмаяпмиз. Бизнинг фожиамиз шундаки, биз жорий муаммолар юки остида қолиб, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлигидан қутула олмаётирмиз. Биз кўп нарсаларни қўлдан чиқариб, вазиятни мураккаблаштириб қўйдик. Буларнинг ҳаммаси бор гаплар, лекин бизни эсанкиратиб қўймаслиги керак. Биз ана шу жараёнга назар ташлаш мумкин бўлган «юксаклик»да турибмиз даркор. Жаҳон цивилизацияси томонига бурилиш, социалистик дунёда янгиланиш жараёнлари рўй бераётир. Ўртоқ Шаталин айтганидек, биз ҳали кўп нарсаларни мулоҳаза қилишимиз ва англаб олишимиз керак. Қайта қуришнинг тўғри йўл-йўриқларини белгилаб оляпмиз, лекин тактикада оқсамаслигимиз, низоларга берилиб кетмаслигимиз муҳимдир. Чалкашиб кетмаслигимиз керак, албатта.

Агар биз ҳамиша ҳодисаларга ана шундай юксакликдан баҳо берсак — бу тўғри ёндашув бўлади, лекин биз бу гап шахсан менинг нафсониятимга тегаётир ва умуман эртага ҳолим нима бўларкин, деган мулоҳазадан келиб чиқадиган бўлсак, бошқача йўл тутган бўламиз... Мен Сиёсий бюрода доимо бундай дейман: биласизларми, бугун бизда мана бундай масала бор, келинглар, бугунги ўз лавозимларимизни ва эртага биз қандай мавқеда бўлишимизни унутайлик, чунки гап мамлакат ҳақида, унинг ривожланиш йўналишлари ҳақида бораётир.

Биз ҳали ана шундай юксакликка кўтарила олганимиз йўқ. Кўпгина одамлар оддий ечимларни исташади, бундай ечимлар эса йўқ. Биз оддий ечимлар йўқ бўлган ва ҳали-вери бўлмайдиган босқичда турибмиз. Оддий, гўл одам равшан жавоб беринг, бир, икки, уч, тўрт дей бандмабанд баён қилиб беринг, деса уни кечириш мумкин. Кези келганда шуни айтиш керакки, одамларни лақиллатмоқчи бўлган кишиларнинг ҳаммаси ана шу йўл билан обрў қозонмоқчи бўляптилар. Бизнинг мамлакатимиздагидек мамлакатдаги ҳукмрон партия бу йўлдан бора олмайди. Биз дунёга, мамлакатга, унинг бугунги вазнитига ва истиқболига кенг назар билан қарашимиз керак.

Мен ўйлайманки, бош масалада биз ҳали янгиланганимиз йўқ, лекин керакли тадбирларни ўтказишда хатоларга йўл қўйдик, уларни амалга оширишда кечикдик ёки айниқса иқтисодий ислоҳотда жараёнлар монандлигини таъминлай олмадик. Бу ишларимизни мураккаблаштирди, сиёсий жиҳатдан кучли зарба беряпти. Лекин бундан биз ваҳимага тушиб, дод-вой кўтаришимиз керак, деган маъно келиб чиқмайди. Баъзилар «равнақ топиб турган давлатни барбод қилдингизлар», — дейишяпти, бошқа бировлар яна шунга ўхшаш бирор гапни айтишяпти. Айтишяптию, лекин кейин биз қайта қуриш тарафдоримиз, ваҳимачи эмасмиз, деб ишонтирмоқчи бўлишяпти. Улар ваҳимачиларнинг худди ўзгинасидир! Бу таслимчилик кайфиятидир.

Пленум катта бўлди, йирик хулосалар чиқарилди, лекин буларнинг ҳаммаси самара келтириши учун биз ҳаракат дастури базасида партияга барча соғлом, қайта қуриш руҳидаги кучларни жалб қилишимиз, ҳаракат дастурида баён қилинган сиёсий йўл-йўриқларимизни, режаларимизни қатъият билан олга суришимиз керак бўлади.

Мен ишонч ва умид билдириб айтмоқчиманки, сизлар мени қўллаб-қувватлайсизлар: биз ҳозир ўз масъулиятимизни яхшироқ тушунаяпмиз ва умумий ишимизни, қайта қуриш ишини, социалистик жамиятни янгилаш ишини қатъият билан олга силжитиш учун яхшироқ қуролланганмиз!



✦ МЕҲНАТГА ЯРАША ҲУРМАТ. Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи 1-қуюв цехининг инженер-технологи Мирсовур Миркомилов. Уни қамкасбларн Ҳамза район Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишган.

Ҳ. Мирзакаримов сурати.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

ДИЛДАН СУҲБАТЛАР

⊙ Акмал Икромов районидаги 26-сайлов округи 62-мактаб биносида жойлашган. Округ сайлов комиссиясига нонқандолатчилик комбинати директорининг ўринбосари Ҳикмат Акромов раислик қиладн. Биз яқинда ана шу округда бўлиб, бу ерда сайловларга қандай тайёргарлик олиб борилаётганлиги билан қизиқдик.

— Округимиз ташкил этилганига икки ойдан ошди, — дейди бизга Ҳ. Акромов. — Шу вақт давомида бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Депутатликка номзодлар кўрсатилди, уларни рўйхатга олдик. Сайлов участкалари ташкил этилиб, уларнинг комиссиялари сайланди. Айни кунларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларн қизғин давом этмоқда. Сайловчилар рўйхати тузилляпти.

Сайлов округи жойлашган хона барча керакли анжомлар, сайловга оид қўлланмалар билан таъминланган. Деворларга рўйхатга олинган номзодларнинг исми ва фамилияси, таржимаи ҳоли, сурати осиб қўйилган. Улардан бири билан танишамиз. «Раҳима Йўлдошевна Ҳасанова, нонқандолатчилик комбинати қадоқловчиси, 5-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод» деб ёзилган. Тагида номзоднинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти баён этилган.

Округда навбатчилик ташкил этилган. Навбатчилар эрталаб соат 10.00 дан кеч 19.00 гача бу ерда бўлишиб, ташриф буюрганларнинг саволларига жавоб беришади.

Махсус юритилган дафтарларга келиб-кетувчи кишиларнинг рўйхати, уларни қизиқтирган саволлар қайд этилади. Агар улар бирор нстак билан келишган бўлишса, навбатчилар шу жойнинг ўзида тегишли ташкилотлар билан телефон орқали боғланишиб, дафтарга ўша сайловчи талабн қачон бажарилиши керак бўлган муддатини ёзиб қўйишади. Шу кунгача бу ерга элликдан ортиқ сайловчи келиб кетди. Бундан ташқари округда «Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури», «Совет сайлов системаси», «СССРнинг ички ва ташқи сиёсати», «Халқаро ҳаёт» ва бошқа мавзуларда суҳбатлар уюштирилди, стендлар ташкил қилинди.

Шунингдек, райондаги 15-сайлов округида олиб борилаётган ишлардан дил қувнайди. 81-мактаб биносига жойлашган бу округга республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг катта ўқитувчиси Собиржон Ғафуржонов бошчилик қиляпти. Округ таркибочилар томонидан олиб борилаётган сайловолди ишлари диққатга сазовордир.

М. ОРИПОВ.

КИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАСИЗ?

ДАСТЛАБ бу савол билан 45-Фрунзе сайлов округи сайловчиларига мурожаат қилдик. Бояси бу округдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига бир йўла беш кишининг номзоди қўйилган. Улар — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори Марат Аҳмедов, 1-пойабзал фабрикаси электр монтёри Комил Зокиров, педиатрия илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Бахтиёр Қодиров, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ремонт-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Рўзибой Каримов, «Звезда Востока» журнали бош муҳаррири Сергей Петрович Татурлардир.

Сайлов округидан чиқиб келаётган бир неча кишини саволга тутиб, уларнинг фикрларн билан қизиқдик.

— Мен Комил Зокиров учун овоз бераман, — дейди уй бекаси Қ. Каримова.

— Сабаб?

— Чунки у оддий ишчи. Ҳамиша меҳнаткаш кишилар орасида. Шунинг учун ҳам у эл дарди ва ташвишини бошқалардан кўра яхшироқ билади.

— Мен эса Рўзибой Каримов номзодини қўллаб-қувватламоқчиман. Балки бу ўзим ҳам қурувчи бўлиб ишлаганлигимдандир. Ҳарқалай қурилишга эътибор кучайтирилаётган кунларимизда оддий бинокорлардан сўзи ўтадиган депутатлар чиқса фойдадан ҳоли бўлмас, — дея ўз фикрини ифодалади шахсий пенсионер С. Иброҳимов.

Бошқалар эса Марат Аҳмедов, Бахтиёр Қодиров номзодларини маъқуллашди. Ушбу округда сайловлар куни қизғин ўтиши ҳозирданоқ кўриниб турибди. Кимга омад кулиб боқиши яна роппа-роса саккиз кундан кейин маълум бўлади.

Шу куни бизни таажжубга солган нарса, баъзи кишиларнинг ҳалигача ўз номзодлари кимлигини билмасликлари бўлди.

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз, — дея илтимос қилдик Куйбишев районидаги 16-Пушкин сайлов округи жойлашган бинодан чиқиб келаётган ўрта ёшли кишига.

— Чкалов номли самолётсозлик заводида ишлайман. Отим Қўлдош, фамилиям Йўлдошев.

— Сайлов округига нима мақсадда келгандингиз?

— Уйимиз совуқ. Шу масалада мурожаат қилгани келгандим.

— Ишингиз битдими?

— Дафтарга ёзиб қўйишди. Одам юборамиз дейишди. Насия гапга кўниб кетяпман.

— Сайловда қайси номзод учун овоз бермоқчисиз?

— Депутатликка кимни сайлашимизни билмагандан кейин ким бўлса шунга овоз бераверамизда.

Бу сўзлар таажжубландик. Балки бу ерда ташвиқот-тарғибот ишлари етарли олиб борилмаётгандир. Шу боис сайловчилар номзодларнинг кимлигини билишмас, деган фикрда ичкари кирдик. Округда сайловчилар учун ҳамма нарса муҳайё эди. Лекин бизни бир нарса ажаблантирди: депутатликка ким сайланяпти? Бунақа саволлар баъзи сайловчиларни қизиқтирмайди.

Афсуски шу кун ўз номзодларг кимлигини билмайдиган сайловчиларни кўплаб учратдик.

— Номзодингиз ким, деган саволимизга жавоб бера олмайдиганлар орасида шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг талабаларидан тортиб йирик мутахассис олимларгача бор эди. Ахир сайловга бир ҳафтадан бироз ошиқ муддат қолибдику улар ақалли ким учун овоз беражакларини билмасликлари ҳайратланарлидир.

Октябрь районидаги 278-сайлов участкаси олдида бир аёлдан сўраймиз:

— Илтимос, сиздан бир нарса сўрамоқчийдик.

— Сўранг.

— Сиз қайси сайлов участкасида ким учун овоз бермоқчисиз?

— Қанақа овоз?

— Сайловлар кунида-да.

— Вой тавба, яна қанақа сайлов, ахир яқинда ўтдику сайлов?

Ҳатто сайловнинг қанақалиги ва қай куни ўтиши билан ҳалигача қизиқмаган бу аёлга ортиқча савол бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Биз бундайларга ибрат тариқасида пенсионерлар Бахтиёр Муродов ва Сергей Иванович Смирновлар билан бўлган савол-жавобимизни келтирмоқчимиз.

Улар бажонидил бизга ўзларини одоб билан таништирар эканлар, саволларимизга қизиқиб жавоб беришди.

— Сайлов участкамиз Киров районидаги 105-ўрта мактаб биносида жойлашган. Унга мактаб директори Ойбек Иноятов раҳбарлик қилади, — дейди Б. Муродов.

— Участкамиз Низомий, Бодомзор, Ж. Обидова, Фирдавсий, Минг ўрик кўчаларида яшовчи аҳолига хизмат қилади. Биз М. Ғафурова, Ш. Султонова, М. Орипова сингари ташвиқотчиларимиздан бениҳоя хурсандмиз. Улар хонадонларимизда тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Номзодларимиз ҳақида батафсил тушунтиришади, уларнинг ҳаёт йўли, иш фаолияти билан чуқур таништиришади. Биз 18 февраль куни ўз номзодларимиз учун бажонидил овоз берамиз, — дея ҳамроҳининг сўзини тўлдирди С. И. Смирнов.

Ветеранлар барча саволларимизга билимдонлик билан жавоб беришди. Ҳозирги давр талаби, демократия ва қайта қуриш масалалари ҳам улар эътиборидан четда қолмади. Улар депутатликка сайланадиган кишилар қайси муаммоларга кўпроқ эътибор беришини ҳам айтиб беришди.

Хуллас, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлигига бўладиган сайловлар кунига жуда қисқа вақт қолди. Давр биздан ана шу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб сайловларга пухта тайёргарлик билан боришимизни тақозо этади. Шундай қилайликки бу кун ошкоралик ва демократиянинг чинакам тантанасига айлансин.

М. КАМОЛОВ.

МУТАФАККИР ВА ШОИРГА

«Одами эрсанг демагил одами, они ким йўқ халқ ғамидин ғами» — буюк инсонпарвар Алишер Навоий беш юз йил муқаддам ана шундай деб баралла айтган эди. Унинг ижодида кўмил ишонч билан қарор топган одижаноб ғоялар эзгулик, ҳурлик, адолат тушунчаларини азиз деб билган ер юзидаги барча замондошларимизга яқин ва тушунарлидир. Буюк шоир ва мутафаккирнинг жўғрофий сархадлар ва вақт синовидан ўтган мероси жаҳон адабиётининг бир қисми бўлиб қолди.

Буюк санъаткор таваллуд топган кун — 9 февралда республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, адиблар, талабалар Алишер Навоий ҳайкали олдига келишди. Улар ўзбек халқининг буюк фарзандига ҳурмат бажо келтиришди ва унга бўлган меҳр тўла сўзларини айтишди. Шоир шеърларини ўқишди.

Ҳайкал пойига жуда кўп гуллар қўйилди. Улар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан келтирилган бир сават гул бор эди.

Пушкин номли тил ва адабиёт институтида Навоий ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди. Адабиётчилар уйи шинавандаларни газал оқшомига таклиф этди.

Алишер Навоий таваллуд топган кунининг байрам қилиниши билан буюк мутафаккирнинг келаси йили кенг кўламда нишонланадиган 550 йиллик тўйига бағишланган катта тадбирлар бошланиб кетди.

(ЎзТАГ мухбири).

Янгиликлар — Воқеалар — Ҳушхабарлар

КОРХОНА БЕЗАКЛАРИ

✦ ГЕОЛОГИЯ-қидирув тажриба эксперимент-тал заводи коллективи томонидан тайёрланаётган кенг истеъмол буюмларн кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Корхонада тайёрланаётган дарвоза, гараж, айвон панжаралари, сейф кабн бир қатор буюмлар харидорлар томонидан севиб харид қилинмоқда.

Шунингдек бу ерда хотинқизлар учун турли безаклар, пластмассадан зираклар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берншмоқда.

✦ БУГУН янги зирак намунасн тайёрланди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган безаклар турн саккизтага кўпайди. Йил охиригача олти хил янги маҳсулот ўзлаштирилади.

МАВЗЕ АҲОЛИСИГА

✦ ҚЎЙЛИҚ—3 турар-жой массиви аҳолисига яна бир қулайлик яратилди.

Табиат инъомларн билан савдо қиладиган янги савдо шохобчаси ишга тушди. Шунингдек бу ерда Қўйлиқ бозори филиали ҳам ташкил этилди. Бунёдкорлик ишларини «Ўзбекбирлашув»га қарашли ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи олиб борди.

ЧИНИҚИШЛАРИ УЧУН

✦ ТОШКЕНТ подшипник ремонти заводи коллективи халқ истеъмоли буюмларн тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Жумладан турли хил болалар ўйинчоқлари, ҳимоя кўзойнакларн, мактаб ёшидаги болалар учун ҳисоб-китоблн соат кабн бир қатор буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

✦ БУГУН корхонада болалар учун спорт анжомларининг бир туркуми тайёланиб, савдо шохобчаларига юборилди.

ПАЙЧИЛАР СОВҒАСИ

✦ КУЙБИШЕВ район ижроия комитети қошида «Қурувчи» пайчилар жамиятн ташкил этилган эди.

Бу жамият 21-болалар уйи тарбияланувчиларига 1140 сўмлик «Илитъ» магнитофонини совға қилди.

Д. ОБЛАЕВ.

НАФАҚАГА ЧИҚИБ, ИШЛАЁТГАН ВА ИШЛАМАЁТГАН СССР ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Нафақаси ойига юз сўмдан кам бўлган пенсионерлар — СССР Журналистлар уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш мақсадида уларнинг нафақасига устама пул қўшиб берилади. Бунинг учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент ташкилоти правленнесига (Ленинград кўчаси, 32-уй, 1-қават, 5-хона) ижтимоий таъминот бўлимидан (истиқомат жойидаги) олаётган нафақасининг миқдори ҳақида справкани тақдим этиш керак.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент ташкилоти правленнеси.



⊙ **Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида боғ-роғлар, узумзорлар яратиш, манзарали ва бошқа кўчатлар экиш икки ойлигини ўтказишга бағишланган жумҳурият кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, уларни шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, янги боғлар, узумзорлар ва ўрмонзорлар яратиш, мавжуд дов-дарахтларни соғломлаштириш юзасидан ўтказиладиган икки ойликда зўр ғайрат билан фаол иштирок этишга чақирдилар. Улуғ Ватан уруши, меҳнат, маҳалла комитетлари ветеранларининг шаҳримизни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга даъват этиб Тошкент шаҳри аҳолисига қарата 2 февралда «Оқшом» саҳифаси орқали мурожаатн ҳам шу хайрли ишларнинг дебочасидир.**

Хўш, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси бу борада қандай ишларни амалга оширади? Мухбиримиз ана шундай савол билан шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Ҳикматулла Ёқубович Охунжоновга мурожаат қилди.

— **Шарқнинг обод, гўзал шаҳарларидан бири бўлган азим Тошкентимизни дунёнинг энг гўзал, юксак маданиятли шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида жонбозлик кўрсатмоғимиз керак. Бугунги кунда шаҳримизнинг умумий яшил майдони 11 минг гектар ерни ташкил этади. Шу яшил хиёбонда 4 миллион донадан ортиқ дарахт ва 10 миллион туп яшил тўсиқлар ўсмоқда. Ҳар бир район қошида ташкил этилган ободонлаштириш бошқармалари 6,5 минг гектардан ошиқ яшил хиёбонларда парвариш ишларини олиб бормоқдалар. Ўзингизга маълум, олдинлари ҳар йили ўтказиладиган анъанавий ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари икки ойлигида манзарали дарахт кўчатларини дуч келган, бўш майдонларга ўтказиб, кўпинча ундан хабар олинмасди. Биз бугунги кунда кўчат ўтқазиш сонини кўпайтиришдан воз кечдик. Сабаби 1986 йилга қадар шаҳарда йилига 3—3,5 миллион дона кўчат ўтқазилди-ю унинг кейинги парвариши, дарахт кўчатлари қанча ўтқазилади? Уларнинг навлари қанақа? Бу кўчатлар асосан қаердан олиб келинади?**

— Бу йилги икки ойликни март ойининг бошларида бошламоқчимиз. Бу деган сўз кунлар исиб кетса ҳам март ойи қачон келар экан вояга етиши билан қизиқилмади...

— **Шаҳримизда бу йил** Шундан 9,1 минг тупи манзарали, 32 минг тупи мевали дарахт кўчатлари, 300 минг дона яшил тўсиқ, 2000 минг туп атиргул кўчатларидир. Кўчатларни асосан манзарали, боғдорчилик совхозидан, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бошқа хўжаликлардан олиб келинади.

— **Шаҳар аҳолисига ана шу кўчатлардан ҳам сотиладими?**

— Ўтган йили шаҳримиздаги «Тошкент гуллари» фирмасига қарашли барча магазинларда фақат мевали кўчатлардан 200 минг тупдан ортиқ сотилди. Бу йил ҳам ана шу фирма магазинларида 300 мингга яқин кўчат сотишни мўлжаллаб турибмиз.

Гўзал шаҳримизнинг бугунги ободлиги, унинг ёрқин келажаги, сиз билан бизга боғлиқ, азиз тошкентликлар. Ҳар биримиз шаҳримизнинг чинакам ватанпарварлари бўлсак, унинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, уй-жойи, маданий-маиший ва маъмурий биноларини кўз қорачиғидек асраб, шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўшайлик, ўтказиладиган икки ойликда актив иштирок этиб, шаҳримизни боғ-роғларга бурқайлик!

Суҳбатдош
Раҳматулла
ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Долзарб мавзуда суҳбат

ТОШКЕНТ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН!

Тарихий обидаларимиз

ПОЙТАХТНИНГ «ОЛТИН ДЕВОРИ»

⊙ **Кўҳна Тошкентимизнинг қалъа ва деворлари мени кўпдан ўйлантириб келар эди. Асли чиғатойлик этнограф олим Тўхта Файзиев билан узоқ суҳбатларимиздан кейин қўрғон қалъаси қолдиқларини топишга, аниқлашга имкон туғилди.**

Ҳозирги Чиғатой қабристонининг ўнг ёнбошидан, 111-мактабнинг ён кўчасидан ичкари кира бошладим. Хаёлимда мана ҳозир кўз ўнгимда салобатли девор қолдиқлари чиқиб қолади деб, аста ичкари кўчага одимлаяпман. Икки-уч бурилишдан сўнг 5—6 метр узунликдаги уй билан бирга ёпиб юборилган, нураб кетган пахса деворни ўз кўзим билан кўрдим.



Синчковлик билан қарамаган йўловчи: «Пахса деворни суваб ҳам қўйилмабди» деб ўйлайди. Лекин деворнинг бошқа жойлари сувалган. Кеч бўлиб (хуфтон) бўлишига қарамай, ёнма-ён турган икки эшикнинг қўнғироғини босдим. Енгил кийимда бир отахон чиқдилар. Салом-аликдан кейин муддаони айтдим. Булар асли касблари нонвой, 78 ёшли Тоштемир ота Турсунов эдилар. Мени катта кўча томон бошлаб, суҳбат этиб бордилар.

— Ҳозирги қабристон ёнидаги кўчага кираверишда етти баҳайбат тут бўларди, — дея ҳикоя қилдилар отахон. — Биз болалигимизда ана шу тутлардан бирига чиқардик-да, сўнг 50—70 метр узунликдаги девордан бемалол юриб масза қилиб тут ердик.

Тоштемир ота айтишларича, қўрғон таги деворининг эни 7 пахса бўлган, тахминан 2 метрдан ошиқ эди. Тепасидаги деворнинг эни эса 3 пахса эди. Девор устидан ҳозирги темир йўл вокзали кўриниб турган.

— Бу қўрғон девори шундай мустаҳкам эдики, — деб ҳикоя қилдилар суҳбатга қўшилган 84 ёшли отахон Шамсиддин Сирожиддинов, — урушдан илгариги йиллари уни трактор билан бузиб бўлмаган. Девор қалин ва узун эди.

Чиғатойлик Маҳаммад, Шамсиддин ва Комилжон оталарнинг айтишларига қараганда, бу кўҳна деворлар устида қадимда аравалар юрган экан.

Ҳозирда ўша девордан тарихнинг «жонли қолдиғи» сифатида 30—35 метр девор қолган, унинг 25 метрга яқин қисми кўча томондан суваб юборилган, фақатгина 5—6 метр жойи очиқ қолган.

Менинг назаримда, ҳозирча кўпчилик ҳамшаҳарларимизга номаълум бўлган ана шу тарихнинг «олтин девори»ни сақлаб қолишга улгуришимиз керак.

Чиғатойликлар ўтмишда деҳқончилик, боғдорчилик, косибчилик, заргарлик билан шуғулланишган. Улар бошқа даҳа аҳолисидан бағрикенг деҳқончилиги билан, ўзларининг қадди-қоматли бўй-бастлари ва паҳлавонликлари билан ажралиб турар эдилар. Кўпинча даҳалар ўртасида ташкил этилган курашларда чиғатойликлар ғолиб келишининг боиси ҳам шу эди. Бозорга яқин бўлганликлари учун косибчилик, заргарлик билан шуғулланар эдилар. Чиғатой кўчасида Сақичмон, Пичоқчи, Чиғатой, Тепа маҳалла, Чақар маҳаллалари жойлашган эди. Дастлаб Чиғатой кўча — Сақичмондан тортиб, токи Қушчи мозоргача (Чиғатой қабристонигача) бўлган масофада жойлашган ер ҳисобланар эди. Чиғатой кўчанинг бош томонига Тўхтабойнинг мачити жойлашган эди.

Наврўз ойларида Чиғатой гузари ўзгача чиройга кирар эди. Халқ ўша айём кунлари бир-бирларини қутлаган, беморларни бориб кўрган, Қушчи ота қабристонига чиқиб марҳумларни зиёрат этишарди. Деҳқонларимиз эса дала ишларига шайланар ва ўз чорбоғларига йўл олишарди. Шу тараддуд билан баҳор ишлари бошланиб кетар эди.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

Халқ номзодлари

КАМТАРГА КАМОЛ

1985 йилда «Тошкент оқшоми» газетасида «Тўй — умр гултожи» мақоласи эълон қилиниб, унда тўйларни ичкиликсиз ва исрофгарчиликсиз ўтказиш муаммоси кўтарилган эди. Ушбу мақолага биринчи бўлиб Акмал Икромов районига қарашли Абдулҳай Тожиев номли маҳалла аҳли «лаббай» деб жавоб беришди. Шу туфайли маҳаллада йиғин ўтказилган, унга шаҳарнинг энг эътиборли кишилари таклиф этилган эди.

Кеч соат 6 да бошланган йиғилиш катта мунозарага айланиб, соат 23 ларда тугади. Ўшанда маҳалладошлар бир овоздан тўйларни ҳеч қандай ичкиликсиз ва дабдабасиз ўтказишга аҳд қилишганди. Кейинчалик бу ташаббус бошқа маҳаллаларга ҳам ёйилди. Бу йиғин Шукур Темуров билан биринчи учрашувимизнинг боиси бўлди.

Ундан кейин ҳам бу маҳалладаги ибратли ишлар ва ташаббуслар ҳақида кўп яхши гаплар эшитдик. Яна бир қувончли хабар, унинг номзоди 25-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига рўйхатга олинганини эшитгач, у билан суҳбатлашишга жазм этдик.

— Ҳар қандай номзоднинг дастури аниқ ва бор имкониятдан келиб чиқиши керак, йўқса яна ваъдабозлик авж олаверади, — дейди Ш. Темуров.

Шунинг учун унинг дастури асосан, шаҳар «Маҳалла» дастурини тўлиқ амалга ошириш, яъни маҳаллаларда ижтимоий адолатсизликни бартараф этиш—савдо, болалар муассасалари, ва мактаблар, медицина, канализация, сув, йўл ва транспорт, телефон муаммоларини, район маҳаллалари гузарини Кўкча оқтепасида бунёд этиш (универсал магазини, кино-театр, замонавий чойхона, кутубхона, дорихона, спорт иншооти қурдириш)га, шунингдек маҳалла комитетлари ҳузурида ижтимоий-оммабоп лекциялар ўтказиш, уларда ҳисоблаш техникаси қуролларини мустақил амалий бошқариш кўникмаларини ўстириш ҳам режалаштирилди.

Шунингдек, ўқувчиллар компьютерли ўйинларни уюштиришда қатнашиб, мунозараларда, қувноқ конкурсларда қатнашадилар.

«Ал-Хоразмий—90» мактаби ўзининг қайноқ фаолиятини асосан тўртта бўлим машғулотлари орқали амалга оширади. Булар: умумий программалаштириш, компьютерлар электроникаси ва архитектураси, компьютерли ўйинлар ҳамда амалий программалаштиришдан иборат бўлиб, улар машғулотларини олиб боришда таниқли мутахассис олимлар, тажрибали педагоглар яқиндан туриб ёрдам бериб борадилар.

Янги халқаро мактаб тингловчилари гуруҳлари ҳамда раҳбарларини комплектлаш ишлари яқин орада ниҳоясига етади.

Анбар АЛИЕВ.

«Ал-Хоразмий—90»

МАҲОРАТ МАСКАНИ

⊙ **ИСТЕЪДОДЛИ ўқувчи-ёшларнинг ижодий камолоти йўлида кўрилаётган тадбирлар ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Мактабларни компьютерлаштириш йўли билан ҳам иқтидорли толиби илмларни тарбиялашга эришилмоқда.**

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги томонидан «Ал-Хоразмий—90» халқаро компьютер мактабининг тузилиши айни муддао бўлди. Янги маҳорат маскани фаолиятини юритишда «Вариант» совет-болгар корхонаси ҳамда «Ниҳол» жумҳурият илмий маркази ҳам яқиндан бош қўшади.

Халқаро мактаб «ақлли» машиналар билан тиллашаётган қобилиятли ўқувчиларни ўз бағрига олиб, уларнинг компьютер саводхонлигини янада яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқди. Толиби илмлар билан ўқув ҳамда илмий-оммабоп лекциялар ўтказиш, уларда ҳисоблаш техникаси қуролларини мустақил амалий бошқариш кўникмаларини ўстириш ҳам режалаштирилди.

Шунингдек, ўқувчиллар компьютерли ўйинларни уюштиришда қатнашиб, мунозараларда, қувноқ конкурсларда қатнашадилар.

«Ал-Хоразмий—90» мактаби ўзининг қайноқ фаолиятини асосан тўртта бўлим машғулотлари орқали амалга оширади. Булар: умумий программалаштириш, компьютерлар электроникаси ва архитектураси, компьютерли ўйинлар ҳамда амалий программалаштиришдан иборат бўлиб, улар машғулотларини олиб боришда таниқли мутахассис олимлар, тажрибали педагоглар яқиндан туриб ёрдам бериб борадилар.

Янги халқаро мактаб тингловчилари гуруҳлари ҳамда раҳбарларини комплектлаш ишлари яқин орада ниҳоясига етади.

Анбар АЛИЕВ.

Шанба фельетони

«СОҚОВ»ДАН ДОД



Бизга Ҳамза районидаги Янгиобод массивининг Ҳуснобод кўчасидаги 4-уйда яшовчи 67-мактабнинг ўқитувчиси, меҳнат ветерани М. Орипова (98-23-43) ҳам ёрилиб қолди:

— Кўчамизга 1988 йилнинг декабрь ойида шиддат билан телефон симлари тортилиб, ҳамма хонадонлар телефонлаштирилди. Бундан оғзимизнинг таноби қочиб, қулоққа етди. Лекин бекорга ҳурсанд бўлган эканмиз. Телефонимиз бир йил ҳам ишламай «гунг» бўлиб қолди. Ишламаётгани ҳақида хабар қилдик. Тузатиш учун ёш-ёш болалар келишди. Аммо «биз тузата олмадик», деб қайтиб кетишди. Ахир телефонни тузата олмаса, нима қилади бу соҳада ишлаб? Хуллас, 1989 йилнинг октябрь ойидан бери телефонимиз ишламай ётибди. 1990 йилга телефон ҳақини тўлашга ҳайрон бўлиб турибмиз.

— 1978 йили навбатга туриб, ўн йилдан сўнг телефонли бўлдим, — дейди редакциямизга ташриф этган II группа меҳнат инвалиди Сандобид Сандазимов. — Юнусобод массивининг 15-кварталидаги 19-уйининг 14-квартирасида яшайман. Ўтган йилнинг октябрь ойида телефонимиз бирдан ишламай қолди. Уни тузатиб беришларини сўраб бир неча бор 22-автомат телефон станциясига мурожаат этдим. Бош инженер Т. Шариповнинг ҳузурида бўлдим. У ҳар сафар 22-74-45 номерли телефон номерни ишлатиб беришга ваъда бериб, қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб чиқарарди. 22-26-36, 22-17-17 номерлари бўйича буюртма қабул қилган навбатчилардан ҳам фойда бўлмади. Ҳамза район телефон узелига 5 маротаба ёрдам сўраб қатнадим. Арзимаган ишга шунчалик овора бўлишимга аслида ҳеч қандай зарурат йўқ эди.

Ҳақ гап. Телефон хизмати ҳамшаҳарларимизни қаноатлантирмаяпти. Ундаги камчилик ва муаммолар кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига, шикоятларига сабабчи бўлмоқда.

— 55-74-63 номерли телефонимиз кўпинча яхши ишламайди, — дейди Юнус ака Исмоилов. — Ўзим уруш ва меҳнат ветераниман. Пулли хизмат соҳаларидан фойдаланишда алоҳида имтиёзим бор. Аммо бу имтиёз телефонимни тузатиб берувчиларга кор қилмаяпти. Автомат телефон станцияларидагиларга ҳайронман. Борсам қуллуқ қилиб кутиб олишадию, тузатишга келганда қорасини ҳам кўрсатишмайди.

Юнус ака Исмоиловнинг куюнганича бор. Аслида телефонни тузатиш қийин иш эмас. Бунга жалб этилган, ойига давлат маошини жаранг-жаранг олиб турганлар каммиз? Бирма-бир санасак, уларнинг ҳисобига етиш қийин. Аммо уларнинг барчасини ҳам ишга бир хил муносабатда бўлаяпти деб бўлмайди. Ана шу турлича ёндошув телефон хизматини яхшилашга ғов бўлмоқда.

— Ўтган йилнинг май ойида саломатлигимни тиклаш учун 24 кун уруш ва меҳнат ногиронлари госпиталида даволандим, — дейди шаҳримизнинг Археология кўчасидаги 57-«А» уйда яшовчи II группа уруш ногирони М. Ёрматов. — Уйга келсам, 27 йилдан буён ишлаб турган телефонимни АТС дагилар қайдайдир «Здоровья»га деган кооперативга бериб юборишибди. Ўз номеримни қайтариб олиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилмаган жойим қолмади. Охири Тошкент шаҳар партия комитетига шикоят хати ёзишга мажбур бўлдим. Шундан сўнггина телефон номерини ўзимга қайтариб беришди. Унгача тортган азобларимни айтмасам ҳам бўлади. Узим касалманд одамман. Кўп юришга дармоним йўқ. Бирор зарур юмуш чиқиб қолса телефонсиз қийналаман. Ҳозир ҳам бу бемаънат дастёр ўз вазифасини тўла ўтаётганн йўқ. Тез-тез ҳунар кўрсатиб турибди. 8—10 кунлаб ишламай қолмоқда.

Отахон илгари ҳам шу масалада бизга мурожаат қилган эдилар. Унинг шикоят хатини Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радификацияси ишлаб чиқариш бирлашмасига текшириб, чора кўришга жўнатган эдик. Бирлашмадан олинган жавобда бу масала яқин кунларда албатта ҳал этилиши айтилган эди. Афсуски, берилган ваъда ваъдалигича қоғозда қолиб кетибди. Ногирон, ёрдамга мухтож одамларга шунчалик беписандлик билан қарашга, уларни оворан сарсон қилишга бирлашмадагиларнинг қандай ҳадди сиғди экан? Ахир дунёда инсоф, диёнат деган гаплар ҳам бор-ку!

— Телефон хизматида қайта қуриш бўлаётганига сира ишонгим келмайди, — дейди Юнусобод массивининг 17-кварталидаги 7-уйининг 66-квартирасида истиқомат қилувчи Шуҳрат Матқурбонов. — Бундай кескин фикрга келишимнинг боиси бор. 1984 йилдан бери телефон олиш учун навбатда тургандик. Бундан 3 ой олдин телефон номерини олдик. Энди уни улатишдан бошқа ташвишимиз қолмаган эди. Шундай қувониб юргандик, бирдан кўз тегди. 23-автомат телефон станциясидагилар ҳалигача бу ишни пайсалга солишмоқда. 3 ойдан буён станция бошлиғи бир ҳафта ичида 7-уйда яшовчиларга телефонларини улаб берамиз деган ваъдасининг уддасидан чиқмаяпти. Биз бекорчи эмасмиз. Арзимаган ишнинг орқасидан югуриб юришга вақтимиз йўқ. Наҳотки, ҳеч ким бунн тушунмаса?!

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Маданият янгилиги

«Меҳр кўп кўргиздим»

⊙ **ИЛҲОМ Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг саҳналаштирувчи-режиссёри Омон Шарипов ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг «Меҳр кўп кўргиздим» пьесасини саҳналаштирмоқда. 2 пардали, 5 кўринишдан иборат бу пьесада асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Манзура Ҳамидова, Воҳид Қодиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев ва Шуҳрат Зиёмуҳамедов, Муҳаббат Муҳиддинова, Исмоил Абдуллаев, Ҳабибулла Абдуллаев каби артистлар ижро этишади.**

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Ўзбекистонда Навоийхонлик кунлари



НАВРЎЗ— УМРБОҚИЙ БАЙРАМ

⊙ **У зот Наврўз байрамига зўр эътибор билан қарар эди. Байрамни кенг кўламда ва жуда қизиқарли ўтказишга эътибор берар, халқнинг ҳамма қатламлари фаол қатнашишини таъминларди. Кўп жойда шийпонлар қурилиб, уларда шеърхонлик, илмий мунозара ва суҳбатлар ўтказилар эди.**

Байрамлардан бирида шийпонда Алишер Навоий, Жомий ва бошқа машҳур кишилар қаторида ўтирган бир шайх шундай дебди:

— У байрамдан бу базмгача ҳар бир киши, бир ёшга қариб, тобора умри қисқаради ва нариги дунёга яқинлашиб боради. Лекин одамларга ҳайронман, бунга қайгуриш ўрнига ўйин-кулгига муккасидан тушиб кетадилар.

Алишер Навоий бунга жавобан:

— Дарҳақиқат, йил сайин одамларнинг умри қисқаради, лекин унга баҳор байрамининг асло дахли йўқ. Ҳаммага аёнки, ўтган байрамдан то бугунги байрамгача анча-мунча кишилар оламдан кўз юмди. Шулар қатори аввалги йили биз билан бирга ўтирганлардан олти киши вафот этди. Шу боисдан одамлар бугунги байрамга саломат етиб келганликларига шукр қилиб, хурсандчилик қилмоқдалар. Бундан ташқари, ўйин-кулги кишиларда тетиклик, орзу-ҳавас, умид ва аҳиллик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Кеч кузда шайхнинг тоби қочиб, узоқ ётиб қолибди. Навоий йўқлаб кирганда у дебди:

— Кўриб турибсиз, аҳволим жуда оғир, Наврўз байрамини кўриш менга насиб бўлмаса керак. Бордию тузалсам байрам куни ўртага тушиб ўйин-кулгига бош-қош бўлардим.

— Сиз, — дебди Навоий, — ҳаммавақт ўйин-кулгидан нафратланиб бу дунё ғамонат, нариги дунё боқий, деб юргансиз. Шунинг учун сизнинг гапингиз менга таажжублантирди.

— Бошқа одамга ҳазиллашдим, деб қутилишим ҳеч гап эмас, лекин сиздек улуғ зот ҳузурида лабзсизлик қилиш гуноҳдир.

— Менинг ишончим комил, Сиз байрамда қатнашасиз ва соғайиб ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Ҳазрат, ташаккур. Сиздек кимсанинг тилаги менга умид бағишлайди.

Буни қарангки, шайхнинг соғлиғи борган сари яхшиланиб, у ўтирадиган бўлибди. Наврўз айёмида уни замбилда шийпонга олиб боришибди. Ашула ва рақслар шайхнинг кайфиятини янада кўтарибди. Аста-секин ўрнидан туриб, қадам ташлаб ўйин-кулги даврасига интилаётганида уни Навоий «узилиб қоласиз» деб тўхтатибди.

Шайх юриб кетибди. Кейинги ўн йил давомида Наврўз байрамининг ташкилотчиларидан бири сифатида қатнашибди. Унинг ташаббуси туфайли беморларни ҳам байрамга олиб чиқиш расм бўлган экан.

Зиёвуддин ҲАМИДОВ тайёрлаган.

Санъатнинг сеҳрли олами

«Хотинимнинг эри»

ХАЛҚИМИЗДА қадимдан бир удум бор: устозлар ишини шогирдлар давом эттиришади. Бу удум санъатда ҳам бор. Санъаткор ўзи яратган образнинг умрбоқийлиги ҳам шунда.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, марҳум Ҳамза Умаров катта санъаткор, ёшларга устоз бўлиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. У Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри репертуари ажойиб саҳна асарлари билан бойишига кўп хизмат қилди. Шулардан бири осетин драматурги Г. Хугаевнинг «Хотинимнинг эри» асарини таржима қилиб, ўзбек саҳнасига олиб чиқди.

— Бу драма 1969 йил 5 ноябрда биринчи марта намойиш этилган эди, — дея ҳикоя қилади театрнинг устоз санъаткорларидан бири Райҳон опа Тўраева. — Уни Ўзбекистон ССР халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров саҳналаштирганди. Халқимизга манзур бўлди. Йигирма йилдирки саҳнадан тушмай келяпти. Шу давр ичида бу асардаги ролларни уч авлод вакиллари ўйнашди. Дастлаб Казбек ролини Ҳ. Умаров, Паризодни мен, Эльбурсни С. Раҳимжонов; Пўлатни Ҳ. Шарипов, Зарифани Ю. Исматова ўйнаган эдик. Кейинчалик Ф. Фаёзов, М. Ихтиёрова, Р. Солиҳов, Ҳ. Носиров, М. Юсупова, З. Мирзабековлар ижро этишди. Куни кечагина бу анъанани учинчи авлодга топширдик. Ёшларга бу ролларни биздан ҳам яхши ижро эта олишларини айтдик. Истагим улар бу шарафли касбда ўз ўринларини топишсин, эл олқишини олишсин.

Ҳа, санъатда ўз ўрнингни вақтида бўшатиб бериш ҳам катта жасорат. Бу анъана коллективда анча йиллардан буён давом этиб келади. Балки, шунинг учундир, шуҳрат қозонган кўпгина спектакллар театр репертуаридан узоқ йиллар тушмайди. Қайта-қайта намойиш этилса-да, халқ севиб томоша қилади. Биргина «Хотинимнинг эри» 1200 мартадан зиёд қўйилди. Нафақат Тошкентда, жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларида, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўз мухлисларини топди.

Театр коллективи яқинда ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Бу галги тадбир эса катта тўйнинг бир бўлаги бўлди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.



⊙ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР. Театрнинг бир гуруҳ ижодкорлари. Р. Шарипов сурати.

ИНСТИТУТ НАШР ЭТАДИ

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Ботаника институти мутахассис олимлари жумҳуриятимиз ўсимлик дунёсини атрофлича тадқиқ этиш йўлида қатор ютуқларни қўлга киритмоқда.** Йўқолиб кетиши хавфи туғилган камёб шифобахш яшил бойликларга қайта умр бахш этиш юзасидан кўрилаётган илмий-амалий тадбирлар ҳам эътиборга лойиқдир.

Табиий экологик тармоқ билан боғлиқ чуқур кузатишлар туфайли ер ости сувлари заҳарланишининг олдини олиш, яйловлар табиий ҳолатини сақлаш имконини бермоқда. Натижада йўқолиб бораётган талайгина ўсимликлар аниқланди. Бу самарали изланишлар институт томонидан босмага тайёрланган Ўзбекистон ССР «Қизил китоби»нинг навбатдаги нашрида ўз ифодасини топди. Ушбу китоб орқали уч юздан ортиқ камёб ўсимликлар ҳақидаги янги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Саодат ОДИЛОВА.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Турмуш чорраҳаларида

ҚАЙТАДИГАН ТЎЁНА

ИККИ қуда бор, бирининг исми Мамакарим, иккинчисиники — Соли ака. Ораларидан шу пайтгача қил ҳам ўтмаган. Кунларнинг бирида Мамакарим ака тўй қилди. Соли ака 500 сўм тўёна берди. Кунлар ўтди, ой отди, иттифоқо Соли ака ҳам тўйини бошлаб юборди. Эшик олдида аҳил, иноқ қудалар келган-кетганни кутиб иззат-ҳурмат қилишарди. Соли ака келганлар билан кимда олди-бердиси бўлса, ҳисоблашиб олди-ю, аммо 500 сўм тўёнадан дарак йўқ. Ана берар, мана берар дедн. Тўй куни кутди, никоҳ куни кутди, эрталаб наҳордаги ошда кутди, аммо ҳисобидаги 500 сўм ўрни тўлмади. Қуда эса мум. Соли ака кута-кута чарчади. Қисиниб: «Ҳа, сенми, шошмай тур», — деб қолаверди.

Орадан уч-тўрт ойлар ўтгач, Мамакарим ака яна тўй қиладиган бўлиб қолди.

Тўй куни Соли ака чиройли қоғоз билан ўралган жажжи кутини қудасига берди. Тўйдан қайтгач, эндигина пинакка кетганди, эшикнинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб уйғонди. Чиқса ранги бир ҳолатда қудаси турибди.

— Келинг қуда, тинчликми, нима гап?

— Э, суфе сиздақа қудага, келиб-келиб, мен билан ҳазилмазах ўйнайсизми?

— Тушунтириб гапиринг, — деди воқеага тушунган Соли ака кулгидан зўрға ўзини тийиб.

— Совғангизни келинлар, куёв, ўғилларим олдида мақтаниб очгандим. Бир маҳал битта каптар «пир» этиб, ҳаммамизнинг юрагимизни «шиғ» эттириб учиб кетди. Бўлдим кулги, бўлдим кулги, ҳеч ким менн шу кунгача изза қилмаганди...

Соли ака энди очиқчасига хандон отиб кула бошлади.

— Биров ўлай деса, куласиз, нима қилганингиз бу қудағи! Аввалги тўёналарингиз яхши эди, нега бу гал каптар олиб борганингизни тушунолмадим.

— Энди куда каптарнинг қайтиши ҳам бор-да. Ҳов ана, томга қаранг, қайтиб келди. Хафа бўлмайсиз.

«АЙТИНГ БЕРСИНЛАР»

Бирга ўқиган курсдош дўстим ўғлини уйлантирадиган бўлиб қолди. Барча курсдошлар шу баҳона учрашамиз, деб хабарлашиб тўйхонага келдик. Ҳовли одамлар билан гавжум, магнитфонда қўшиқ янграяпти. Дастурхонлар мўлкўл, коньяк-арақнинг кети узилмайди. Бизлар ҳам кетмакет «олиб» ўтирибмиз. Бир маҳал «Келишди, келишди» деган гап эшитилди-ю, тўйхонада қий-чув бошланди. Даврага таниқли хонанда кириб келди. Ҳамма хурсанд, шод. Дўстимнинг кайфияти янада очилиб кетди. Ҳаммамизнинг кайфимиз тарақ. Бир маҳал қўшиқ бошланиб, гўзал ўйинчи қиз ўртага тушди-ю кўзларини сузиб ҳиром эта бошлади. Баданн қизиган йигитлар уни олдиларига чақириш учун «ўнталик»ларни кўрсата бошладилар. Ёнимда ўтирган Эргаш ҳам ўйинчини кўриши билан «воҳ» деди-ю, чўнтагидан 10 сўмликни чиқарди. Анча «етилиб» қолган дўстимиз ўйинчини ҳар чақирганда 3—4 та «ўнталик»ни қистириб юборарди. Айёр раққоса, лақма топиб олдим деб ёнидан кетмайди.

Бир-икки оғайнимиз «Бўлди, бас қил» деганига кўнмайди.

Тўй тамом бўлди. Хурсанд ва шод тўй эгаси ашулачини олдимизга олиб келиб ўтказиб қўйди. Ҳовлида биздан бўлак одам қолмаган...

Энди туришга шайлангандик, кутилмаганда «бойвачча» оғайнимиз йиғлаб юборса бўладими?

— Тинчликми, яхши ўтирган эдикку, — деймиз биз.

— Айтинг, берсинлар, берсинлар, — деди йиғидан тинмай.

Тўй эгаси кулиб ашулачига қаради:

— Дўстим Эргаш ҳам тўй қилсин, тўйга сиздақа хонандаларни айтсин, ўзининг ҳам ниятн шу, қани битта омин деб дуо қилиб юборайлик.

— Йўқ, йўқ, Шокир, айтгин, берсинлар, — деди баттар ҳўнграб.

Унинг билагидан ушлаб, қулоғига секин «Бас қил, одамни ер қилдингку, ўл-а арақ ичмай» десам, ҳиқиллаб «Бор пулимни қистириб юбордим. Энди нима қилдим», дейди.

Қўявер, бир амаллаб олиб кетармиз, шунга шунчами?

— Йўқ, — деб ўрнидан туриб кетди у. — Мен ҳаммамиз тўёнага йиғган пулларни қистириб юборибман, айтинглар, шуни қайтариб берсинлар...

Шавкат АЗИЗОВ.

ҚАЙТАРИЛГАН ТЎЙ

Аскиячилар бисотидан

Айниддин. Э келинглар, келинглар! Бу дейман қайноналарнинг чиндан ҳам суяркан. Боқиб юрган қўйни сўйган эдик, қаранг, ёғининг ўзи бир **ТОҒОРА** чиқди.

Убайдулла. Ҳо-о, **ПИЧОҚ**лари мой устида экан-да. Ундай бўлса, гўшт-ёғдан кўпроқ ташланг, **ҚОЗОН**да бўлса **ЧУМИЧ**га чиқади.

Фозилжон. Шўрвасидан ҳам ярим **КОСА**дан ичамиз. Эт — этга, шўрва — бетга деб бекорга айтишмаган.

Айниддин. Бўпти, қуюғини **ЛАГАН**га сузамиз. Кейин **ЖОНОН ПИЁЛАЛАР**да мазза қилиб чойхўрлик ҳам денг.

Убайдулла. Чойни чегаланган **ЧОЙНАК**ка эмас, **ПАХТА ГУЛЛИ**сига дамлайсиз. **ХОЛОДИЛЬНИК**да ҳам у-бу бордир?

Фозилжон. Унда **СЕРВАНТ**даги **ҚАДАҲ**лар ҳам қўзғаларкан-да.

Айниддин. Унақа **ГРАФИН**яларнинг гапини қилманглар. Ахир ичкилик умрнинг **ЭГОВ**и-ку!

Убайдулла. **ТЕША** тегмаган гапдан гапирсангиз-чи, устоз. Бир пайтлар икковимиз яримтани **АРРА** қилиб юрардик-ку.

Фозилжон. Арзон пайтида биз ҳам қўшним **БОЛТА**вой билан шерик бўлардик.

Айниддин. Ҳа, ўшанда милицнонер келиб қолса, икковларинг қўрқиб **СТЕНКА** бўлиб қолардинглар.

Убайдулла. Нимасини айтасиз, Фозил ақам кўчада милиционердан, уйда янгамнинг **УҚЛОҒИ**сидан қўрқардилар.

Фозилжон. Ўзлари ҳам неча марта, хотининг **ОТАШКУРАГИ**га чап бериб қолганман, деганлар.

Айниддин. Тағинам сизларни **ГЎШТ ҚИЙМАЛАГИЧ**да қиймалаб, **ҚАСҚОН**га тиқишмаганига хурсанд бўлинглар!

Убайдулла. Сал пастроқ тушинг, жа **БАЛОН**дан кетдингиз-ку.

Фозилжон. Гапларингиз одамни **ОМБИР**дек узиб олади-я!

Айниддин. Менга дашном **ЖОМ** бўлсин! Қолган суякларингдан қўра кабобни **СИХ**ласаларингчи!

Убайдулла. Сомса ҳам қиламиз, хамирини ўзингиз **ЖУВА**лайсиз.

Фозилжон. Қовоқ сомса ҳам қилсак, **ҚИРҒИЧ**ни Убайдулла қўлга олсин. Тоза қиради.

Айниддин. Иштаҳаларинг **ЧАККИ** эмас-ку! Сиздақа хўРАНДАдан яна иккита бўлса, **БЕЛ**имни чиқарраркан!

Убайдулла. Қуруқ **ҚОШИҚ** оғиз йиртар, дейишади. Қадрдонларни бир тўқин дастурхон билан сийласангиз сийлабсиз-да.

Фозилжон. Биласиз-ку биз **СУПРА**си қуруқларникига бормаймиз.

Айниддин. Хотиринглар **ЖОМ** бўлсин! Қолган суякларга мевалар ҳам солиб берардим.

Убайдулла. Тўғри, **ЛИКОПЧА**даги овқатни емаганимизга қўймасдингиз. Лекин ҳозир ҳар бир гапимизни **ҚАЙЧИ**лаб турибсиз.

Фозилжон. Ҳа-да, **КЎЗА** кунда эмас, кунда синади, дейишади.

Айниддин. Э, **КОСА** тагида **НИМКОСА** бор денг.

Убайдулла. Рост айтасиз, Фозил акам ҳар замонда шунақа **КУРАК**да турмайдиган гап қилиб қўядилар, синган **СОПОЛ ТОВОҚ**ка ўхшаб.

Фозилжон. Башаранг қийшиқ бўлса, **ОЙНА**дан ўпкалама дейдилар. Ўзлари ҳам **КЎЗГУ**га қараб кўрсинлар, **БАРКАШДЕК** башарани кўриб, **АРҚОН** қидириб қоладилар.

Айниддин. Бир-бирларингга **КОСОВ** отишни бас қилиб, чандишни дилдан супуриб ташланглар! Эшитганлар: булар **ЧИННИМИ** соғми деб юрмасин. Қани овқатга марҳамат!

Пайровни қоғозга туширувчи:
Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ.

Аскиячилар бисотидан

РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ ПАЙРОВИ

«ҲАЙРАТНОМА» ДЕБ АТАЛСА...



⊙ Бизнинг ҳам албатта мутлақ натижалар китобимиз бўлиши шарт. Бошқа юртларда бўлганн каби жумҳуриятимизда ҳам паҳлавонлардек овқат ейдиганлар, сув тагида еш минутлаб тура оладиганлар ёки вазни оғирлар кўпку! Шу бўлажак китобни «Ҳайратнома» деб номлашни таклиф қиламан.

У. ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Газалкент шаҳри.

ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

⊙ Атрофимизда ёзса арзигулик воқеалар шунчалар кўпки аҳамият бермаганимиздан билмаймиз. Эҳтимол бу ташаббус лоқайдликка қарши кескин кураш очар.

Ўтган йили «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган маълумотлардан бирида Осиё мамлакатларидан биттасида (қайси давлат эканлиги аниқ ёдимда йўқ) улкан қозонда овқат пиширилиб, тўрт минг кишига тарқатилгани айтилганди. Бизда ҳам шундай қилиш мумкинку! Айтайлик «Наврўз» байрами кунларида ҳалим пиширш учун улкан қозонлардан фойдаланнлади. Қайси маҳаллада неча килограмм ош дамланди ёки қанча қозон ҳалим тарқатилди, шу ҳақда газетага хабар берилса нимаси ёмон?

Савоб тариқасида бундай «Рекорд ош»ларни болалар ва қарнялар уйларида ҳам ўтказиш мумкин. Саховатли кишилар кўп Ўзбекистонда!

Б. ИСЛОМОВ,
Тошкент шаҳри.

«ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР...»

⊙ «Тошкент оқшоми» газетаси ташаббусини чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Дарҳақиқат, бизга ўлкамизга алоқадор, одамнинг кулгисини, ҳайратини қўзғатадиган хабарлар керак. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлар суратн билан берилса нур устига аъло нур.

Китоб номини бўлса оддийгина қилиб «Эшитмадим деманглар» деб аташни, биринчи бетн «Ўзбекистонимизда» деган сўз билан бошланишини таклиф қиламан. Қадимда юртимизда бирор янгилик маълум қилинмоқчи бўлинса фуқарога жарчилар юқоридаги сўзлар билан мурожаат этишганку!

М. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент.

БУ ҲАМ ЯНГИЛИК

⊙ Ҳурматли редакция, китобга даъвогарлик маъносида қуйидаги маълумотларни сизга юборишни маъқул топдим. Бу ҳам бир янгиликда. Қолаверса, даъвогарлар сафини кенгайтиради, қизиқувчи ортади, деб умид қиламан.

⊙ «Футбол — Хоккей» ҳафталик газетасида ёзилишича (1990 йил, 1-сон) ўтган йили олий ва биринчи лига командалари ўртасида ЭНГ кўп расмий учрашув ўтказган коллектив «Пахтакор» экан. Ҳамюртларимиз биринчилик ва СССР Кубоги ўйинларида жами 46 марта майдонга тушишибди. Бунга яна 1/64, 1/32 финал ўйинларини («Косонсойчи», «Олға»), биринчи лига кубоги учун ўтказилган беллашувлар ҳисобга олинса 54 тага етади.

⊙ Ўзбеклардан ўсмирлар ўртасида футбол бўйича энг биринчи жаҳон ва Европа чемпиони Миржалол Қосимовдир.

⊙ «Пахтакор» 1966 йилги чемпионатда (олий лига) биринчи даврa баҳсларида мағлубият нималигини билмади.

⊙ Ўзбекистон биринчилигида ўтган йили рекорд натижа қайд этилди. Бухоронинг «Нурафшон» командаси рақиблар дарвозасига 101 та тўп киритди.

✦ Ўзбекистон Касаба уюшмалари биринчилигида қатнашган Андижоннинг «Шаҳрихончи» клуби эса мавсумда энг йирик мағлубиятга учради. Шаҳрихончилар Ғузорнинг «Оқ олтин» командасидан 0 : 12 ҳисобида енгилдилар.

У. БОЛТАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор райони, К. Маркс номли колхоз.

Болалар сўзлаганда

● ТИШИ ЧИҚДИМИ?

Укасини ўйнатиб ўтирган Нилуфар олти ёшли опаси Дилрабога деди:

— Опа, қаранг, Алишернинг тиши чиқибди.

— Қани? — дея Дилрабо укасининг оғзини очишга ҳаракат қилди. Лекин Алишер оғзини очмади.

— Ҳозир, тўхтаб турчи, — деди Дилрабо эшикдан кириб келган қўшнисининг ўғли Жасурга қўзи тушиб. — Жасур, қўлинг ювилган экан, Алишернинг оғзига бармоғингни солиб кўр-чи, тиши чиқдимикан?

● ХАРИДОРЛАР АДАШМАСЛИГИ УЧУН

Маҳалла болалари тўпланишиб «бозор-бозор» ўйнашарди.

— Мева ва сабзавотларнинг нега ранги ҳар хил экан-а? —деб сўради Дилфуза дугоналаридан.

— Сотувчи билан уни оладиганлар адашиб кетмаслиги учун бўлса керак-да, —дея жавоб берди олти ёшли Зебо.

● ҲАММА УХЛАЯПТИ

Кеч бўлишига қарамасдан, ухламаётган уч ёшли Расулга онаси деди:

— Ҳамма ухлади, нега сен ухламайсан, а? Агар ҳозироқ кўзингни юммасанг олабўжини чақириб, бериб юбораман.

— Олабўжи келмайди, у ҳам ҳозир ухлаб ётибди, — дея жавоб берди. Расул.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Мусаввир табассуми



⊙ **ТАМАГИР СОТУВЧИ. Сиздек саҳий аканинг пиширган алоҳида олиб қўйганмиз, марҳамат.**



⊙ **ОТА. Сочингни сал қисқартир, ўғлим, қизларга ўхшаб қолибсанку.**



⊙ **БЕМОР. Бу касалхонанинг сифатсиз овқати касал қиляпти, тузукроқ таом олиб кел, хотинжон.**



⊙ **ИЧКИЛИККЎР. Ол, ароқ ичмасанг бу уй совуғидан шарамдек қотиб қоласан.**

Шуҳрат Субҳонов чизган расмлар.

«Қизил китоб»га ёзилган

ЙИРТҚИЧ МУШУКСИМОНЛАР

✦ **Мушуклар — йиртқич сут эмизувчилар турқумининг алоҳида бир оиласини ташкил этади. Уларнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиб, тўрт уруғга бўлинади. Ҳозирги пайтда буларнинг ер юзида 37 турм яшайди. Шундан СССРда 11 та, Ўзбекистонимизда эса 8 та турн учрайди.**

Бу йиртқичларнинг кўпчилиги яшаш жойларини узлуксиз ўзгартириш ва баъзи бирларига овқат етишмаслиги, об-ҳавонинг ноқулай келиб сурункасига қор ёғиши ва совуқ бўлиши, қолаверса, тартибсиз овлашлар натижасида уларнинг сони кундан-кунга камайиб кетмоқда, баъзи бирларининг уруғи қирилиб кетиш хавфи остида қолган. Шулар жумласига Туркистон силовсини, Туркистон қорақулоғи, Малин қоплони, қор барси ва гепардлар киради. Булар республикамиз «Қизил китоби»га киритилган, баъзи бирлари Халқаро ва «СССР Қизил китоби»га ҳам киритилган.

Ҳозирги пайтда бу нодир йиртқичлар асраб қолиниши давлат муҳофазасига олинган. Булар учун алоҳида қўриқхоналар ажратилиб, улар устидан кўпгина илмий текшириш институтлари ва қўриқхона ходимлари йиртқичларнинг яшаш шароитлари, ҳаётий ва табиий хусусиятларини ўрганиш устида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда, уларни кўпайтириш йўл-йўриқларини излашмоқда.

Йиртқич мушукларнинг ўткир, бақувват тирноқлари бўлиб, юрганда тирноқлар оёқ ичига бутунлай ёки қисман тортилади. Одатда мушукларнинг думшуқлари тўмтоқ, каллалари юмалоқроқ бўлади. Тишлари 28 та (Малин силовсинда), 30 та (қолган мушукларда) бўлиб, тишлари жуда ҳам кучли, энг «ихтисослашган» йиртқичларга киради. Уларнинг думлари узун, гавдасини қоплаган жуни эса қисқа бўлади.

Мушуксимонларнинг эшитиш ва кўриш органлари жуда ҳам яхши тараққий этган. Улар сувда яхши сузади, дарахтларга бемалол тирмашиб чиқиб кетаверади. Мушуксимонлар тунда актив ҳаёт кечиради. Баъзи бирлари қош қорайганда, тонг саҳарда, ҳатто кундуз кунлари ҳам овга чиқади. Буларнинг ўзига хос белгиларидан бири, одатда тошлар орасида писиб ётиб ёки тош-бутазорларда ер бағрилаб бориб ўлжасини 5—8 метрдан сакраб тутишидир. Уларнинг узун ва бақувват оёқлари жуда тез югуришга мослашган. Масалан, гепард жаҳонда энг тез югурувчи ҳайвон ҳисобланади, у соатига 120 километргача югуриши аниқланган.

Одатда, йиртқич мушуклар ўлжасини узоқ қувиб юрмайди, баъзан бир неча марта сакрайди, агар ганимн қўлга тушмаса овора бўлиб ўзини уринтирмайди. Мушуксимонлар ёввойи тоғ эчкиларини, қўйлар, архарлар, ёш тўнғизлар, суғурлар ва ҳар хил кемирувчиларни тутиб ейди.

Мушуксимонларнинг кичик турлари (ўрмон ва дала мушуги) бир йилда бир неча марта 5—6 тадан болаласа, йириклари (қоплон, илврис) эса 2—3 йилда бир марта 2—4 тадан бола туғади.

Сўнгги гап оддий мушуклар ҳақида.

Уй мушуги Мисрда яшайдиган малла мушукдан келиб чиққан. Бу ёввойи мушукни мисрликлар қадимги замонларда қўлга ўргатишган. Бу ердан Шарққа ва Осиёга тарқалган бўлиб, сунъий танлаш йўли билан уларнинг турлитуман зотлари яратилган.

Қодир ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг илмий ходими.



⊙ «Ёш раққосалар хиром айлаганда». Л. Гусейнов сурат лавҳаси.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

12 февралдан—18 февралгача

Душанба, 12

● ЎзТВ I

17.00 «Сўз ва иш бирлиги». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алифбо сабоқлари». 2-кўрсатув (такрор.).
18.35 «Давр тақозоси билан». Каттақўрғон пахта тозалаш заводи — 110 ёшда.
19.10 «Долзарб мавзу изидан...».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ўзбекистон Давлат телерадиосининг хор коллективи ижро этади.
20.15 «Шоғирдлари даври». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Санъатим — саодатим». Уста Маҳмуд Усмонов.
21.20 «Омади юришган». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хуршида Ўрунова куйлайди». Видеофильм.
23.00 «Келинлар кўзголони». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
00.15 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Югославияда ўтказилган икки кишилашиб фортепьянода куй чалиш халқаро конкурсининг лауреатлари — меҳмонимиз. Ирина ва Максим Железновлар.
19.20 Реклама.
19.25 «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
20.35 «Шундай аёл яшайди». Телеочерк.
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кўрсатув бўлиб ўтди. Нима ўзгарди?». Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасининг иши ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Кадир тун».
22.45 «Вертикаль». Бадиий фильм (рус тилида).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 12 февраль куни МТ I кўрсатувлари соат 7.00 дан 13.00 гача ЎзТВ I канали орқали намойиш этилади.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар 1 ва 2-қисмлар («Ленфильм»).
12.00 «Ҳайвонот оламида».

* * *

16.00 «Севги мадҳи». Фильм-концерт (Уфа). Премьера.
16.20 «Ўткинчи эмасман». Телевизион бадиий фильм («Туркменфильм»).
17.25 «Арсеньевда ишлар қандай?».
17.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Москва —Ленинград — Кишинёв телекўприги («Ҳокимият — Советлар га!» туркумидан).
20.30 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 1-қисм.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.30 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 2-қисм.
23.30 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал. Б. Л. Пастернак туғилган кунининг 100 йиллигига.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ёдингиздами, худди Пришвин асаридагидек». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Адабиёт. 9-синф. М. Ю. Лермонтовнинг эрксевар лирикаси.
10.05 Итальян тили.
11.05 «Онам, дадам ва мен».
11.35, 12.35 Астрономия. 11-синф.
12.05 Рус тили.
13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонлик да». 6-серия.

* * *

17.30 «Укагинам». Мультфильм премьераси.
17.45 Қозоғистон ССР Давлат телерадиоси. «Халқ табобатини тиклай оламизми» (Олмаота).
18.30 «Онахон Фросьянинг Дивеевск монастири ҳақидаги қиссаси». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.35 РСФСР халқ артисти О. Воронец куйлайди.
19.55 «Тўсиқ». Оператив-тергов группаси изланишда (Свердловск).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кичкина юмронқозиқ ва чўнтакли иштонлар». Мультфильм.
20.45 Ҳужжатли фильмлар.
21.15 «Таваккал». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).

Сешанба, 13

● ЎзТВ I

17.00 «Арвана — туркман туяси», «Красавка». Телефильмлар.
17.30 «Қизиқарли математика». Илмий-оммабоп программа.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг». Мультфильм.
18.25 «Хонадон ва унинг соҳиби». Аҳолини томорқа билан таъминлаш — долзарб масала.
19.00 «Демократия йўлидан». Наманган машинасозлик заводи.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Реклама.
22.05 Саид Аҳмад. «Куёв». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.55 Янгиликлар.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Меҳнат қилиш ҳуқуқи».
20.00 Реклама.
20.05 «Менга ҳаммаси ҳам бари бир эмас...», «Мерос». Телефильмлар.
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эсдалик учун дастхат». Алла Пугачёва билан учрашув (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан. «Нури зиндаги». Кулоб шаҳри.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.15 «Кекса денгизчининг ҳикоялари». Мультфильм.
10.35 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
11.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Болалар учун фильм. «Немухин созандалари» («Экран»).
17.10 «Бу уйни нима учун қуряпсан?». Телевизион ҳужжатли фильм.
17.30 «Хор плюс биз».
18.10 «Ёр—она масканимиз». Фотоконкурс.
18.15 Фалсафий суҳбатлар. «Рус фалсафаси ва ҳозирги давр». 2-кўрсатув.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Ҳокимият — Советлар га!».
20.00 «Танишинг: рассом Теймураз Мурванидзе».
20.20 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.15 «Менинг Чайковскийим». РСФСР халқ артисти, пианиночи М. Плетнев ҳикоя қилади.
23.15 «Воқеалар ва мулоҳазалар». Совет — Англия программаси.
23.45 «Акцент». Авторлик қўшиқлари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Бузулук қарағайзори». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10-синф. Оилада руҳий вазият.
10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Музика. 6-синф. Рус халқ қўшиқлари.
12.05 Француз тилида ҳужжатли фильмлар: «Роден ҳурматининг бажо келтирилиши», «Лувр» (Франция).
13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонлик да». 7-серия.
14.20 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 Ритмик гимнастика.
18.00 «Бугун сен ёлғиз эмассан». Москва «Аноним алкоголиклар» жамиятининг фаолияти ҳақида.
18.45 «Пламя» ансамбли ижро этади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Бизнинг бурчимиз», «Гжель — ўзи қанақа?».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўён, скрип ва скрипка». Мультфильм.
20.45 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
20.50 «Чемоданча». Югуришнинг фойдаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 Телевизион мусиқий абонемент. А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейида «Декабрь ақшомлари». «Пастернак олами». 3-кўрсатув.
22.00 МТ хазинасидан. «Жамғарма». Э. Лабишнинг шу номли водевили асосида телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар (А. Довженко номли киностудия).

Чоршанба, 14

● ЎзТВ I

11.30 Физика. Магнит индукцияси ва унинг техникадаги аҳамияти.
12.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз», «Каптар ови». Телефильмлар.
12.30 География. Шимолий Американинг табиати.
13.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Узун йўлдаги учрашувлар». Ҳужжатли телефильм.
17.30 Эстетика асослари. Санъат турлари.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Шоирлар — болаларга. Абдусаид Кўчимов.
18.40 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Бўстонлиқ райони мисолида Озиқ-овқат программасини ҳал этишда район матлубот уюшмаларининг роли ҳақида.
19.10 «Халқ номзадлари». Телеочерк.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 ЎзССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова рақсга тушади.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Баҳс». Андижон вилояти Балиқчи ва Олтинкўл районлари қизларининг конкурс программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Баҳс» (давоми).
23.10 «Голливуд барҳаётми?». Кинокўрсатув.
00.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Сайловлар қандай ўтади».
20.20 «Тарбия ҳамманинг иши».

Тижорат видеоканали

21.00 «Иш ўнгидан келса...». Тошкент тўқимачилик комбинатининг ижара пудрати шароитларидаги иш тажрибаси ҳақида (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Асанбоев, Тохтағул номли Қирғизистон ССР Давлат мукофотининг лауреати К. Досумбоев.
23.00 «Маъзур тутинг». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Хор плюс биз».
9.50 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал. Б. Л. Пастернак туғилган кунининг 100 йиллигига.
11.50 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.55 СССР Олий Совети сессиясининг очилиши. Кўрсатув тугагач — ССР Иттифоқи Давлат камер оркестри чалади.
15.30 «Уста ва Бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.00 «Мусиқий хазина».
16.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.50 Шеърият лаҳзалари.
17.55 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 1-кўрсатув.
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Динозаврлар тоғи». Мультфильм.
19.40 «Мордасова қўшиқ айтганда». Фильм-концерт («Экран»).
20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
22.10 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Химик».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 14 февраль куни МТ II кўрсатувлари соат 17.25 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

● МТ II

17.25 Ф. Шуберт. 5-симфония. Си-бе-моль мажор.
18.00 Чанғи иккикураш. Жаҳон кубоги. Трамплиндан сакраш. Командалар пойгаси. Ленинские горидан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри Японияда.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Камалак ранг гул». Мультфильм.
20.45 А. С. Пушкин ёзиб олган халқ қўшиқлари. Фильм-концерт.
21.45 «Ҳамма фарзандларим ҳушрўй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
22.00 «Юлдузлар туркуми». Ф. Искандар асарлари асосида телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). Премьера.

Пайшанба, 15

● ЎзТВ I

11.30 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Давлат ва шахс.
12.00 «Диққат, божхона». Ҳужжатли телефильм.
12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Жадвал катталиклари ва такрорланувчи жараёнлар.
13.00 «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Холисхон Қодирова куйлайди». Фильм-концерт.
17.30 «Ўқитувчи экрани». Махсус мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг хусусиятлари.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч».
19.00 «Объектива — қайта қуриш». Ғиждувон ип-газлама фабрикаси коллективининг иши ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Кино усталари». Кинорежиссёр Малик Қаюмов.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Юртим васфи». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Реклама.
22.05 «Халқаро ҳаёт».
22.25 «Романтика» телетеатри. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 1-қисм.
23.55 Янгиликлар.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Шум бола». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
20.40 «Шеърият шинавандаларига». Борис Пак (рус тилида).
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Рўзғор учун, оила учун».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 Мусиқий кўрсатув.
22.40 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун программа.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
10.05 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Химик».
11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат ёдномалари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Сунжанинг ўзгинаси, дарёга ўхшайди». Грозний шаҳридан кўрсатилади.
18.00 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 2-кўрсатув.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.15 «Тўлкивойнинг китоби». Мультфильм.
20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалигининг умумий асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси.
23.00 Консерваториянинг Катта зали. Миллий симфоник оркестрнинг концерти (АҚШ). Бадиий раҳбар ва бош дирижёр — М. Ростропович.
01.20 «Йўл». Катталар учун мультфильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ўткинчи музлоқ». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Адабиёт. 8-синф. Л. Н. Толстой. «Зиёфатдан сўнг».
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. Ф. М. Достоевский. «Жиноят ва жазо».
12.05 «Санкт-Петербургни излаб». Илмий-оммабоп фильм.
13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонлик да». 9-серия.
14.10 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 Татаристон АССР Давлат телерадиоси. «Татаристон-90» (Қозон).
18.45 Халқ куйлари.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
22.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Бир кўришда севиб қолди» («Грузия-фильм» — «Ленфильм»).

Жума, 16

● ЎзТВ I

11.30 Ўзбек совет адабиёти. Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
12.00 «Шаҳар портрети». Ҳужжатли телефильм.
12.30 Жамиятшунослик. Ижтимоий сиёсат соҳасидаги партиянинг асосий вазифалари.
13.00 «Шум бола». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Табобат ва биз». Кинопрограмма.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сайловлар олдидан».
18.30 «Ижара — кони фойда». Тошкент вилояти Урта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз иш тажрибасидан.
19.00 «Касаба союзлари ҳаёти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тил — маданият кўзгуси».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёзувчи ва замон». Кўрсатувни Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Реклама.
22.05 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматов.
22.45 «Романтика» телетеатри. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-қисм.
00.05 Янгиликлар.
00.10 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Туркистон ҳарбий округининг оддий кунлари...» (рус тилида).
19.30 «Уз ихтиёри билан». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳокимият — Советлар га!»

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Керектоочунун — талабин эске алин». Қирғизистон матлубот уюшмасининг раиси К. Сагиналиев билан суҳбат.
22.00 «Похол қўнғироқлар». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.10 Мультфильмлар.
10.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Швейцария).
12.00 «Инсон институти».
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Агар сиз...».
16.45 «Прокурор учун биография». Ҳужжатли фильм.
17.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.10 Илмий ахборот.
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Ленинни ўқиймиз».
20.00 «Биз ажабтоврларданмасмиз».
20.10 Сизни Вячеслав Малежик таклиф этади.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.30 «Нигоҳ».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Мулоҳазалар». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Дастлабки беш йилликлар қурилишлари.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф.
11.55 «Эртаклар орқали олам га». Инглиз тилида кўрсатув.
12.55 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонлик да». 10-серия.

* * *

17.30 «Зиддият». Телефильм премьераси («ЦСДФ»).
18.30 Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Советининг сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
21.45 Спорт ҳамма учун.
22.00 «Киноабонемент». «Чапақай». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Шанба, 17

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Қашқирлар учун қопқон». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
11.20 «Турар-жой—2000». Самарқанд вилоятида уй-жой қуриш тажрибасидан.
11.50 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.55 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!».
13.30 «Ўзбек опера санъати усталари». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Раъно Ҳидоятова.
14.20 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

Тижорат видеоканали

15.20 «Меҳригиё». Наманган вилоят туғуруқхонасининг фаолияти ҳақида.
15.35 «Камалак жилолари».

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Сайловлар олдидан».
18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.15 «Мулоқот». Шоира Ҳалима Худойбердиева билан суҳбат.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
20.20 «Халқ номзадлари». Телеочерк.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Мувозанат».
22.20 «Драматик актёрлар куйлайди».
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 Кинопрограмма.
10.55 «Севги ҳақида монолог». Фильм-концерт.
12.05 «Ҳаёт учун хавфли!». Кинокомедия.

* * *

17.25 Кўрсатувлар программаси.
17.30 «Лабиринт».
18.10 «Мулоқот».
19.00 «Новости».
19.20 «Классика билан юзма-юз».
20.00 «Ахбор».
20.20 «Болаларимиз йўллари». Телефильм.
20.40 «Кўҳи баланд». Панж райони.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Кўҳи баланд» кўрсатувининг давоми.
23.10 «Ҳаёт учун хавфли!» Кинокомедия.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Онам, дадам ва мен».
9.30 «Йил фасллари». Февраль.
10.30 «Америка вилояти». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм — «Жон Кристал».
11.25 «Современница». Тележурнал.
12.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
13.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
14.50 Леонид Биковнинг фильмлари ва роллари. «Қуёнча». Бадиий фильм («Ленфильм»).
16.10 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Тунис).
16.45 «Партия ҳақида суҳбатлар».
17.45 «Кичик фантазия».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Парнас сари бир босқич».
19.30 Майамида профессионал баскетбол фестивали. Американинг «Барча юлдузлари» матчи.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Телескоп».
22.25 «КВН-90». Днепропетровскда «КВН» командалари I Бутуниттифоқ фестивали.
00.55 «А» программаси.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар.
9.25 «Ота кўрасининг ҳарорати». Ашхободдан кўрсатилади.
9.50 «Кекса сеҳргар хатоси». Телевизион бадиий фильм, субтитр билан (ГДР).
11.05 «Гармонь янграётган жойга борамиз».
11.15 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. Чернобилдаги экологик вазият ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.45 Волейбол. СССР чемпионати. Эркаклар. «Автомобилист» (Ленинград) — «Радиотехник» (Рига).
13.30 «Юрмала-90». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ конкурсининг регионал босқичи. Тошкентдан кўрсатилади.
14.10 Мультфильмлар.
14.30 Рус тили.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 СССР халқ артисти, балерина Н. М. Дудинская. Фильм-концерт премьераси.
18.35 Мультфильм.
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
21.45 «Пи» белгиси билан». 1-қисм.
22.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
22.35 «Пи» белгиси билан», 2 ва 3-қисмлар.

Якшанба, 18

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.
10.00 «Фильм билан хайрлашаётириб...». Телефильм.
10.30 ЎзТВ хазинасидан. Эмин Усмонов. «Қўриқонада». Видеоспектакль.
11.45 «Саломат бўлинг!».
12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
13.15 «Ҳамроз». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
14.35 «Бугун — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови куни». Тошкент шаҳри сайлов участкаларидан репортаж.
15.05 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-серия.
16.20 «Амалий давра суҳбати». Жумҳуриятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақида.
17.20 Достонлардан қўшиқлар.
17.50 Реклама.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун фильм. «Оламни кашф этиб».
18.40 «Болалигим — гулбаҳор». Болалар учун концерт.
19.10 «Бугун — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови куни». Тошкент шаҳри сайлов участкаларидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Фильмотекамиз жавонларидан». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мусиқа жавони».
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 Санъат усталари. «ЎзССР халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров». Мусиқий видеофильм премьераси.
00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 Реклама.
10.15 «Мўъжиза алифбо».
10.45 «Яшасин». Телефильм.
11.15 Фильм-концерт.
12.15 Болалар учун бадиий фильм. «Жодугар ва сеҳргарлик».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 «Кубик». Мультфильм.
17.15 Реклама.
17.20 «Новинки» киноклуби.
18.30 «Мусиқий учрашувлар».
19.15 «Хайрихоҳлар ва қаршилар».
20.00 «Жети кун». Якшанба информацион программаси.
20.30 «Дидарлашуу».
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Камбаркан» фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
23.00 Талабларингизга биноан. «Катя-Катюша». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эртаҳақлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
13.00 «Здоровье».
13.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
14.50 Педагогика ҳамма учун.
15.50 Шеърият лаҳзалари.
15.55 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.10 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Мио, менинг Миом». Бадиий фильм.
19.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди.

Якшанба кинозали

19.30 «Оддий хавфли саргузаштлар». Мультфильм; «Кумда волейбол». Ҳужжатли фильм.
20.15 «Квартира». Телевизион бадиий фильм («Тожикфильм»). Премьера.
21.30 «7 кун».
22.30 «Абадият ҳақида ўйлар».
22.45 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». 5-симфония.
23.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Кисловодск», «Руслар Баден-Баденда».

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Олтинлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.20 «Советский патриот». Киножурнал.
10.30 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Ревизор». Бадиий фильм («Мосфильм»).
12.45 «Совет Россияси» видеоканали.
15.15 Конькида югуриш спорти. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Австриядан кўрсатилади.
16.15 «Яшасин Франция ёки руслар Парижда».
17.00 Н. Метнер. Квинтет.
17.30 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Байрамали» (Ашхобод), «Узоқ Шарқ» (45-сони).
17.55 «Она-замин ташвишида» туркумидан. Грозний шаҳрининг экологик вазияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
18.20 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (балалайка).
18.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Д. Луньков фильмлари. «Шаҳарликлар — қишлоқликлар». Телефильм.
19.30 «Планета». Халқаро программа.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Р. Штраус. «Дон Кихот» фантастик вариациялари.
21.30 «7-кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Уйланган бўйдоқ». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
23.55 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик» — «Динамо» (Рига). 3-давр. Воскресенскдан кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03099.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.